КОЛХОЗЛАРДА ҲИСОБОТ ЙИҒИЛИШЛАРИ

# СЎЗ БИЛАН ИШ БИР БЎЛСИН

...Ҳисобот мажлиси тугади.

— Энди колхоз правлениесининг бир йиллик иш фаолиятига баҳо беришимиз керак,— деди раислик қилувчи.

Одатда, баъзан, ана шундай пайтларда зал сукунат сақлайди, раислик қилувчининг ўзи ташаббус кўрсатиб, қониқарли, деб топилсин, деган таклиф тушди, кимки, шу таклифга қўшилса овоз беришларини сўраймиз, деб айтади.

Лекин бугунги мажлиснинг руҳи бутунлай бошқача эди. Ҳамманинг кайфияти чоғ эканлиги кўриниб турарди. Шунинг учун ҳам раислик қилувчи ҳали гапини тугатмасданоқ залда қўл кўтарувчилар кўпайиб кетди.

— Қониқарли деб топилсин!

Улар бу сўзларни астойдил, ғоят қувониб айтмоқда эдилар.

Дарҳақиқат, инсоннинг, одамларнинг иззат-ҳурматига, ишончига сазовор бўлиш осон эмас. Бундай бахтга муяссар бўлишни кўнглига тугиб қўйган раҳбар ҳамиша эл билан, кўпчилик билан бирга қадам ташлаши, бирга нафас олиши, уларнинг шодликларига ҳам, қайғуларига ҳам бирдек шерик бўлиши керак.

Тошкент районидаги «Ленин йўли» колхози меҳнаткашларининг йиллик ҳисобот йиғилишида қатнашиб, ана шундай хулосага келдик.

Ҳар бир ишда ўлчов, меъёр, ҳисоб-китоб бўлганига нима етсин. Бу — сўз ва иш бирлигини таъминлаш демакдир. Бунга амал қилинган жойда белгиланган планлар, тадбирлар, режалар бекаму-кўст амалга ошади. Ютуқлар кўпайди, турмуш фаровонлиги юксалиб бораверади.

Бундан уч йил илгари ҳам шу хўжаликдаги ҳисобот йиғилишида қатнашган эдик. Ўшанда колхоз раиси Сиддиқ ака Муҳаммаджонов камчиликлар тўғрисида гапириб, шундай деган эди:

— Хўжалигимизда чорвачилик ҳамон оқсаб келмоқда. Биз мутахассислар билан бунинг сабабларини ўрганиб, таҳлил қилиб чиқдик. Четдан, айниқса, бозордан мол сотиб олиб, чорвачиликни оёққа турғизиш мумкин эмас. Биз бундан буён бу йўлдан бормаслигимиз лозим. Ўзимизнинг фермамизда ҳам кўп сут берадиган зотли сигирлар оз эмас. Ана шу сигирларни алоҳида парвариш қилишимиз, улардан олинадиган соғлом, урғочи бузоқларни яхшилаб парваришлаб, шулар ҳисобига соғин сигирлар подасини тўлдириб боришимиз керак. Бунинг учун эса мутахассис ўз ишини пухта билиши, масъулиятни чуқур ҳис қилиб меҳнат қилиши, биз мутахассисларга ишонч билдириш билан бирга, уларга ҳамма шароитларни яратиб беришимиз керак.

Бугунги мажлисда ана шу гаплар эсланди.

— Шуни мамнуният билан сизларга айтишим кераккки,— деди раис ўзининг ҳисобот докладида,— ўтган 1984 йилда колхоз тарихида биринчи марта чорвачиликдан 19 минг 266 сўм соф фойда олинди. Бунга осонликча эришмадик. Фермамизда молларнинг зотини яхшилаш, маҳсулдорлигини ошириш юзасидан катта ишлар олиб борилди. Ҳозир ҳамма соғин сигирлар қораола зотли ҳисобланади. Бош зоотехнигимиз Собир Шокировнинг ишидан мамнунмиз. Сигирлардан кўплаб соғлом бузоқ олинмоқда. Сунъий урчитиш пункти ишлаб турипти. Молларга сифатли озуқа тайёрланиб едирилмоқда.

Ҳисобот йиғилишида колхоз ишлаб чиқаришининг асосий ва етакчи тармоқлари деҳқончилик ва узумчилик соҳасида ҳам беш йилликнинг тўртинчи йилида катта ютуқлар қўлга киритилганлигига оид мисоллар келтирилди. Хўжаликда ўтган йили 17 минг 189 тонна ҳосил олиш планлаштирилган эди. Амалда олинган ҳосил 20 минг 349 тоннани ташкил этди ва натижада ишлаб чиқариш плани 118 процентга етказиб адо этилди. Жумладан, давлатга 8034 тонна ўрнига 9012 тонна сабзавот, 1400 тонна ўрнига 1520 тонна картошка, 1030 тонна ўрнига 1697 тонна узум сотилди. Бошқача қилиб айтганда пландан ташқари эл дастурхонига 1715 тонна маҳсулот етказиб берилди.

### ЙИЛ ЯКУНИ КОЛХОЗЧИЛАР МУҲОКАМАСИДА

Колхоз меҳнаткашлари беш йилликни тўрт йилда бажариш ташаббуси билан чиққан эдилар. Улар сўзларининг уддасидан чиқдилар. Тўрт йил мобайнида давлатга 50 минг 306 тонна маҳсулот сотилиб, кўзда тутилган план зиёдаси билан уддаланди.

Бундай муваффақиятга ердан, техникадан, минерал, маҳаллий ўғитлардан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқаришга илғор усулларни кенг жорий этиш, меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усулини кенг қўллаш, агротехника қоидаларини амалга оширишда иш муддати ва сифатига алоҳида эътибор берилаётганлиги туфайли эришилмоқда. Шунингдек, ўрта бўғин кадрларини танлаш, уларни жой-жойига қўйиш, малакасини ошириш, вақти-вақти билан уларнинг ҳисоботини эшитиб туриш ҳам колхоз правлениеси, партия ташкилотининг доимий диққат-эътиборида бўлиб келаётир. Ҳисобот йиғилишида Мажида Бойматова, Иброҳим Нурҳожиев, Маҳамаджон Холматов, Обид Исоқов сингари ўртоқлар бошчилик қилаётган бригадалар деҳқонларининг меҳнатига юксак баҳо берилди. Ана шу сингари ўртоқлар етакчилик қилаётган коллективларда ҳар гектаридан 280—350 центнердан сабзавот, 220 центнердан узум ва картошка ҳосили олинмоқда. Абдуғани Ортиқов биринчи йили бригадага етакчилик қилган бўлишига қарамасдан юқори кўрсаткичларга эришилишини таъмин этди.

Йиғилишда бошқа соҳаларда бўлганидек, чорвачиликдаги ютуқларни янада мустаҳкамлашга қаратилган таклифлар ўртага ташланди. Иш натижасини таҳлил этиб бориш, ана шу асосда камчиликларни тугатишга қаратилган тадбирларни белгилаш зарур. Саида Раҳмонбердиева, Маҳсума Боймуҳамедовалар каби ҳар бош соғин сигирдан 3500 литрдан ошириб маҳсулот олаётган сут соғувчилар, сўқимга қўйилган чорвани семиртириб боқаётган М. Ғаниев, Е. Шомаҳмудов сингари молбоқарларнинг тажрибасини оммалаштириш керак.

Йиғилишда ҳисоб-китоб ишлари савиясини янада яхшилаш, тежамкорлик масалаларига ҳам катта эътибор берилди. Бу соҳада қилинаётган ишлар яхши самаралар бераётганлиги тўғрисида мисоллар келтирилди. Ўтган йили колхозчиларнинг бир иш кунига 9 сўм 95 тийиндан тақсимланди. Бу сметада кўрсатилганидан 3 сўм 62 тийин кўпдир. Бир колхозчининг ўртача ойлик иш ҳақи 270 сўмданга, шу жумладан, тракторчининг иш ҳақи 237 сўм, шофернинг иш ҳақи 249 сўм, сут соғувчининг иш ҳақи 244 сўмданга тўғри келди. Шундай қилиб, ўтган йили олинган соф фойда 1020 минг сўмга етди, рентабеллик 24,2 процентни ташкил этди. Суғориладиган ҳар бир гектар ер ҳисобига 6859 сўм пул даромади олинди. Ана шу ҳисобга колхоз қишлоғини ободонлаштириш ишлари давом эттирилди.

Ҳисобот йиғилишида ютуқлар қайд этилиши билан бирга ҳали камчиликлар, фойдаланилмай қолаётган резервлар, имкониятлар кўплиги ҳам таъкидлаб ўтилди. Бригада бошлиқларидан И. Нурҳожиев, Ж. Мажидов, сут соғувчилардан С. Раҳмонбердиева, сингари ўртоқлар музокарада сўзга чиққанларида кўпроқ ана шу масалаларга эътибор бердилар.

Хўжаликда сабзавот плани бажарилди. Лекин турлари бўйича бажарилгани йўқ. Айниқса, карам, сабзи ҳосилдорлиги камайиб кетди. Тажрибали деҳқон Баҳром Исломов бошлиқ бригада деҳқонлари ишлаб чиқариш планларини кўп соҳалар бўйича уддалай олмадилар. Бунинг боиси ҳаммага маълум. Агротехника тадбирларини амалга оширишда нуқсонларга йўл қўйилди. Ажратилган моддий-техника ресурсларидан ишнинг кўзини билиб фойдаланилмади. Узумчиликда ҳам бой берилган имкониятлар бор. Айрим бригадалар ҳосилдорликни камайтириб юбордилар. Теплицага қўшиб берилган М. Маҳмудов бошчилик қилаётган далачилик бригадаси деҳқонлари ҳам янги йилда ишни янгичасига ташкил этишлари керак. Чорвачилик маҳсулотлари таннархини камайтириш учун курашиш зарур. Хўжалик эҳтиёжи учун сўйилаётган молларнинг вазни кам бўлиб қолмоқда. Ана шу ҳисобга қанчадан-қанча маҳсулот йўқотилаётир.

Йиғилишда ана шу нуқсонларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар белгиланди. Колхознинг 1985 йилги социалистик мажбуриятлари муҳокама этилиб, қабул қилинди.

**Н. РИХСИЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**



● ЎЗБЕКИСТОН ССР Фанлар академияси Электроника институти илмий ходимлари халқ хўжалигида лазер энергиясидан кенг қўлланиш борасида турли тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Суратда: лазер нурланиш ўзаро алоқаси лабораториясининг катта инженери И. Ҳусаинов ва илмий ходим И. Кулагинлар.

**М. Нуриддинов** фотоси.

ИЛМ-ФАН — ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА

## ЎСИШ СТИМУЛЯТОРИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия институтининг олимлари ишлаб чиққан усул экинлар азотли ўғитни тамомила сингдиришига имкон беради. Бунинг моҳияти шуки, тупроқда азот илгари бўлиб келганидек, ўн кун эмас, балки 60—70 кун сақланади.

Тадқиқотчилар минерал ўғитга кальций цианамидини қўшишни таклиф этдилар. Бу модда икки хил роль ўйнайди. Биринчидан азотли бирикманинг тез учиб кетишига йўл қўймайдиган компонент вазифасини ўтаса, иккинчидан ўзи экин ўсишининг яхши стимулятори ҳисобланади. Чунки унинг таркибида Ўрта Осиё тупроғи учун ғоятда зарур бўлган кальций моддаси бор.

Олимлар бошқа бир проблемани ҳам ҳал этдилар — цианамид тайёрлаш технологиясини соддалаштирдилар.

(ЎзТАГ).

# ГЛОБУС

## ИККИ СИСТЕМА, ИККИ ХИЛ САЙЛОВ

*Социализм шарофати*

## ДЕПУТАТ—ХАЛҚНИНГ СОВЕТЛАРДАГИ ИШОНЧЛИ ВАКИЛИ

«ДЕПУТАТЛАР Советларнинг ишида қатнашиб, давлат, хўжалик ва социал-маданий қурилиш масалаларини ҳал этадилар. Советларнинг қарорларини амалга оширишни ташкил қиладилар, давлат органларининг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг иши устидан контроллик қиладилар.

Депутат ўз фаолиятида умумдавлат манфаатларига амал қилади, сайлов округи аҳолисининг талаб эҳтиёжларини ҳисобга олади, сайловчиларнинг наказларини амалга оширишга эришади».

Халқ депутатининг бундай ҳуқуқ ва ваколати СССР Конституциясининг 103-моддаси билан мустаҳкамланган. Аммо депутатнинг бурчи унинг Советдаги, доимий комиссия ва сайлов округидаги вазифаси билан боғлиқ бўлган ишларни бажаришдангина иборат эмас.

«СССРда халқ депутатлари статуси тўғрисида»ги қонунда халқ депутатларининг бурчи бутун куч ва билимларини коммунизм қурилиши ишига сарфлашдан, совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини янада мустаҳкамлашга, меҳнаткашларнинг моддий ва маданий турмуш даражасини оширишга, социалистик Ватан қудратини кучайтиришга ҳар томонлама кўмаклашишдан иборат эканлиги қатъий қилиб белгилаб қўйилган. Улар ўзларининг бутун фаолиятлари билан сайловчиларнинг ишончини оқлашлари, халқ томонидан қўйиладиган талабларга ҳамиша муносиб бўлишлари лозим.

Ҳар бир депутат ўзининг иш фаолияти давомида ССР Иттифоқи, иттифоқдош ва автоном республикалар қонунларига, шунингдек, тегишли халқ депутатлари Советининг қарорларига асосланади. Масалан, СССР Олий Совети томонидан тасдиқланган «СССРда халқ депутатлари статуси тўғрисида»ги қонун ҳамма Советларнинг депутатлари учун асосий қўлланма ҳисобланади. Бу қонунда депутатлар олиб борадиган амалий иш услуби аниқ белгиланган.

XVII—XVIII чақириқлар давридаги кўпчилик депутатларнинг амалий иш фаолиятларини ўрганиш шуни кўрсатдики, улар Советларнинг ижроия органлари ва доимий комиссияларнинг ишида янада активроқ қатнашмоқдалар. Маҳаллий Советларнинг сессияларида муҳокама қилинган масалалар юзасидан сўзга чиққан депутатларнинг сони йил сайин кўпайиб бормоқда. Жумладан, 1980 йилда сессияда сўзга чиққан депутатлар 50 процент бўлса, 1982 йилда 63,5 процентга етди.

Депутат фаолиятининг яна бир муҳим қирраси ўзи ишлаб турган коллектив ўртасида шахсий намуна бўлишидир. XVII—XVIII чақириқлар даврида маҳаллий Советларга сайланган депутатларнинг 67 мингдан кўпроғи бевосита ишлаб чиқаришда қатнашиб, ўн биринчи беш йиллик планларини муддатидан илгари бажарди. Минглаб депутатлар шахсий беш йиллик планларини 3—4 йилда бажардилар.

Орджоникидзе районидаги «Коммунист» колхозининг бригада бошлиғи, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Турғун Ҳожиев, «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригада бошлиғи, район Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Анвар Эгамназаров, Ленин номли колхознинг бригада бошлиғи, район Советининг депутати Абдулла Эргашев, «Маданият» колхозининг бригада бошлиғи, Куйбишев қишлоқ Советининг депутати Абдурауф Азимов ва бошқалар вақтдан ўзиб ишлаётганларнинг олдинги сафида боришмоқда. Чиноз, Ўрта Чирчиқ, Коммунистик районлари маҳаллий Советларининг депутатлари орасида ҳам беш йиллик зарбдорлари кўп бўлди.

Халқ вакиллари ҳаракатининг таъсир кучини ва самарасини оширувчи формалардан бири бўлган депутатлик группалари қишлоқ ва посёлка Советлари томонидан аҳоли пунктларида, совхоз бўлимларида, колхоз участкаларида ва бошқа иш жойларида ташкил қилинади.

Қишлоқ Совети сессиясида нечта депутатлик группаси ташкил этиш, ҳар бир группанинг раиси ва раис ўринбосари қилиб кимни тайинлаш қишлоқ Совети сессиясининг қарори билан ҳал этилади.

Депутатлик группалари ўз фаолиятида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми томонидан 1964 йил 30 сентябрда маъқулланган намунавий Низомга, область ижроия комитетлари тасдиқлаган низомларга ҳамда уларни ташкил қилган Советларнинг қарорларига амал қиладилар.

Депутатлик группалари составига кирган депутатлар ишлаб чиқариш планларини бажариш, меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот таннархини арзонлаштиришга эришишда корхона, ташкилот ва хўжаликларга, уларнинг бўлинмаларига ёрдам берадилар. Ўз территорияларида турар-жой фондидан фойдаланиш ва уни ремонт қилиш, турар-жой — коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш аҳволини, шунингдек, мактаблар, болалар ва даволаш муассасалари ишини ҳамда уларнинг санитария ҳолатини кузатиб борадилар, аҳолига медицина, савдо ва маиший хизмат кўрсатишни яхшилашга қаратилган конкрет чораларни кўрадилар.

**К. КОМИЛОВ,**
**Ўзбекистон ССР Фанлар академияси И. М. Мўминов номидаги фалсафа ва ҳуқуқ институтининг сектор мудири.**

## АМАЛДАГИ ДЕМОКРАТИЯ

**СССР Конституциясига мувофиқ мамлакатимизда жамиятнинг сиёсий системаси тобора такомиллашиб бормоқда, социалистик демократия муттасил ривожланиб, чуқурлашмоқда. Янги Конституция қабул қилингандан сўнг ўтган вақт ичида халқ депутатлари Советлари ишини активлаштиришга қаратилган йирик тадбирлар амалга оширилди, уларнинг фаолияти такомиллаштирилди.**

**Советларга бирлашган халқ давлатни бошқариши керак, деган ленинча фикр реал воқеликка айланиб, кундалик ҳаётимиздан мустаҳкам ўрин олди. Советлар ўз составн, тузилиш принципларн ва фаолиятининг мазмуни жиҳатдан давлат ҳокимиятининг чинакам халқ органлари ҳисобланади. Кейинги сайловларда сайланган СССР Олий Совети депутатларининг социал составини бунга мисол қилиб келтириш мумкин. Депутатларнинг ярмидан кўпи ишчилар ва колхозчилар, қарийб учдан бири аёллар, 22 проценти ёшлардир. Давлат ҳокимиятининг олий органида 61 миллатга мансуб депутатлар бор.**

**24 февраль кунига белгиланган сайловларда иттифоқдош ва автоном республикалар Олий Советлари ҳамда маҳаллий Советларга депутатлар сайланади. 180 миллиондан ортиқ сайловчи 2 миллиондан кўпроқ депутатни сайлаши керак. Ҳозир мамлакатнинг ҳамма ерида сайлов комиссиялари ташкил қилинган. Уларда 8 миллион киши қатнашмоқда. Ҳамма ерда депутатликка номзодлар кўрсатилмоқда. Бутун мамлакат бўйича 51 минг халқ депутатлари Совети фаолият кўрсатмоқда. Советлар атрофига кўпдан-кўп активлар—30 миллиондан ортиқ кўнгилли ёрдамчилар бирлашган. Советлар ва уларнинг активлари мамлакатимиз иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида катта роль ўйнамоқдалар. Олиб борилаётган барча бунёдкорлик ишларига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар. Бизда агар депутат сайловчилар ишончини оқламаса ёки ўзининг юксак номига номатлуб иш қилса сайловчилар кўпчилигининг қарори билан исталган вақтда чақириб олиниши мумкин.**



● **Каромат Ёқуббоеванинг касби — оддий ишчи. Тошкент тўқимачилик комбинатининг 2-тўқув цехида тўқувчи. Аммо СССР Олий Советининг депутати сифатида давлат аҳамиятига эга бўлган муҳим масалаларни муҳокама қилишда ҳал қилувчи овоз билан қатнашади. У барча совет гражданлари қатори ўз тақдирини ўзи яратмоқда.**

**Т. Горяева** фотоси.

## ЧИНАКАМ ХАЛҚЧИЛ ЖАМИЯТ

**«Новости» матбуот агентлиги мухбирининг «Совет Иттифоқида ҳокимият органларига сайловларни сиз қандай баҳолайсиз?» деган саволига АҚШ Коммунистик партиясининг Бош секретари Гэс Холл шундай жавоб беради:**

**— Мен шуни биламанки, совет территориясига эшиттириш олиб борадиган буржуа радиостанциялари СССР аҳолисига уларнинг сайловлари системасида қандайдир «нодемократик» асос бор, деб ишонтиришга ҳаракат қилади. Бу радиостанциялар эшиттиришларини чуқур таҳлил қилиб мен шундай хулосага келдимки, улар очиқдан-очиқ ибтидоий антисовет пропагандаси билан шуғулланадилар. Бундай пропагандани улар Ғарбда ҳам олиб бормоқдалар. Лекин у ерда бу даъволарга ишонч йўқолиб боряпти. Буржуа радиостанциялари фактларни бузиб кўрсатади. Бунақанги ишга бизнинг оммавий ахборот воситаларимиз устаси фаранг бўлиб кетишган. Этик тозаловчи болакай Қўшма Штатлар президенти бўлиши мумкин, деган афсоналар ҳали ёдимизда.**

## ОҒИЗДАГИ ДЕМОКРАТИЯ

Ғарб пропагандаси жаҳон жамоатчилигини чалғитишга уриниб, капитал мамлакатларидаги қонун чиқарувчи олий органлар «ваколатли демократия»нинг чинакам намунаси деб кўрсатмоқчи бўладилар. Бироқ, ҳақиқий аҳволдан унча-мунча хабардор одам аслида бундай эмаслигини яхши билади. АҚШ конгресси вакиллар палатасининг аъзолари учдан бирига яқини бизнесменлар ва банкирлардир. Йирик монополиялар хизматида бўладиган юристлар билан бирга улар палата составининг учдан икки қисмидан кўпроғини ташкил этадилар. Американликларнинг ўзлари сенатни «миллионерлар клуби» деб атайдилар. Ҳокимият олий эшелонида кимларнинг манфаати биринчи ўринга қўйилганлиги ўз-ўзидан равшан. «Парламент халқ манфаатларини кўзлаб эмас, балки уларнинг бошқарувчилари манфаатларини кўзлаб хизмат қилади», деб ёзадилар инглиз публицистлари Д. Фрост ва Э. Жей.

### НАЙРАНГБОЗЛИК

Буржуа мамлакатларида парламентда кўпчилик ўринни сайловчиларнинг кераклича овозлари сонига эга бўлмасдан ҳам қўлга киритиш мумкин. Бунинг учун буржуазия ўзига хос сайлов системаси жорий қилган. Лоақал бир овоз кўп олган номзод ҳам депутат деб эълон қилинадиган бу хил система Англия, ГФР, АҚШ, Франция ва бошқа мамлакатларда амал қилиб турипти.

Ўтган йили Англия умум палатасига бўлган сайловларда бу система ўз қиёфасини яққол кўрсатди. Консерваторлар учун 13 миллион 12 минг киши, лейбористлар учун 8 миллион 461 минг киши, социал-демократик ва либерал партияларнинг биргаликдаги вакиллари учун тахминан 7 миллион 776 минг киши овоз берди. Бироқ, парламентдаги 650 ўриндан 397 тасини торилар эгаллашди. Лейбористлар 209, қолган икки партия биргаликда атиги 23 овозга эга бўлди. Лейбористлар ҳамда қолган икки партияга нисбатан кам овоз олган консерваторлар умум палатада абсолют кўпчиликка эга бўлиб олдилар. Сайловларда ғолибларни бу тарзда аниқлаш сайловчилар иродасига қарши боришдан, антидемократик усулдан бошқа нарса эмас.



**✦ ЛОНДОН кўчаларининг бирида олинган мана бу суратга бир назар ташланг-а. Бу бечораҳол киши қандай йўллар билан бўлмасин яшаш учун бир бурда нон топишга мажбурдир. Бу капитал ҳукмрон бўлган тузум демократиясининг амалдаги ҳақиқий кўринишидир.**

**Л. Пахомова** фотоси.

(ТАСС).

*Капитализм иллати*

## САЙЛОВЧИЛАРНИ ҚАНДАЙ АЛДАЙДИЛАР

Буржуа сайловларида телевидение, радио, матбуот, барча оммавий ахборот воситаларидан иборат гигант аппарат сайловчиларни алдаш билан шуғулланади. Буржуа сиёсий обзорчиларининг ўзи эътироф этишича, оммавий ахборот воситалари ва биринчи галда телевидение сайловларда муваффақиятни таъминлаб беради. Бу воситалар, маълумки ҳукмрон табақалар монополияси ҳисобланади.

Ғарбий Германиядаги телерадио бирлашмасига қарашли 9 та телерадио компанияларнинг 6 тасини ХДС ва ХСС ёки шуларга яқин бўлган партияларнинг аъзолари бошқарадилар. Иккинчи Ғарбий Германия телевидениесининг кузатувчи кенгаши кўп вақтдан буён ХДС/ХСС партиялари вакиллари ҳисобланади. Бу партиялар блокини Шпрингер матбуоти актив қўллаб-қувватлайди. У ГФРда чиқадиган кундалик газеталарнинг 80 процентдан ортиқроғини ташкил қилади.

Англия оммавий ахборот воситалари 1983 йил июнида умум палатасига муддатидан илгари бўлган сайловларда консерваторлар сиёсатини кўкларга кўтариб мақташдан сира чарчамади. Бу мамлакатда ҳам компартия телевидение ва радио орқали миллионлаб сайловчиларни ўз демократик ўзгаришлар программаси билан таништириш имкониятидан маҳрум этилди.

Японияда чиқадиган «Асахи» газетаси шундай ёзади: «Ҳозирги вақтда сайловлар ўзига хос мусобақага айланди: ким кўп пул сарфласа — ўша кўп овоз олади. Бу хил «капитал сарфлар» кўплаб бойлик келтиради. Парламентга ўрнашиб олган «ўз одамлари» буржуа жамияти керакли табақасининг сиёсатини юритади.

Буржуа конституциялари депутатларни сайловчилар иродасига боғлиқ қилиб қўймайди. ГФР конституциясида очиқдан-очиқ шундай дейилган: бундестаг депутатлари «бутун халқ вакиллари ҳисобланадилар, наказлар ёки топшириқлар билан ишлари йўқ, фақат ўз виждонлари буюрганини қиладилар». Буржуа парламентлари йирик капиталгагина бўйсунади, негаки бу капитал уларни олий қонун чиқарувчи органларга вакил қилади.

## ҲОКИМИЯТНИ БОЙВАЧЧАЛАР БОШҚАРАДИ

Англиянинг лордлар палатасида жойга эга бўлиш учун консерваторлар хазинасига оз эмас-кўп эмас 50 минг фунт стерлингнинг баҳридан ўтиш керак. Шундагина ёғлиқ жой билан таъминланиш мумкин.

Консерваторлар аппаратининг 80—85 проценти йирик капитал «кўнгилли» бадаллари ҳисобига сақланиб турипти.

Ҳозирги торилар кабинети состави аъзоларининг 70 процентдан ортиғи кампанияларнинг директори бўлган эди, 14 проценти йирик ер эгалари, 86 проценти бойлар, бойваччалар ўқийдиган шахсий мактабларни битирган кишилардир.

Консерваторларнинг ҳозирги ҳукумати асосан бизнесменлардан — миллионлаб пули бўлган бойваччалардан иборат. Бош министр М. Тэтчернинг эри нефть саноати ва бошқа тармоқларга алоқадор одам. Маориф ва фан министри К. Жозеф 1979 йилгача қатор фирмаларнинг директори бўлган эди. Унинг оиласи эса «Бовис» фирмаси қурилишида ярим миллион фунт миқдоридаги акцияга эгалик қиларди. Мудофаа министри М. Хезлтайн турли операциялар ваноширлик ишида бойлик орттирган одам. Энергетика министри П. Уокер 18 та кампанияда директорлик лавозимларини эгаллаган ва ҳоказо.

## ЎЗГАРИШ БЎЛИШИ КЕРАК

15 январда Лотин Америкасининг энг йирик мамлакатларидан бири — Бразилияда президент сайловлари бўлиб ўтди. Маълумки, бу ерда йигирма йилдан буён ҳарбий диктатура ҳукмронлик қилиб келаётган эди. Ўша йиллар мобайнида Бразилия генералитети билан юқори табақадаги офицерлар келишиб туриб, давлат бошлиғини тайинлар эдилар. Эндиликда граждан президент сайланмоғи лозим.

Сайловлар бу сафар демократик тарзда — тўғридан-тўғри бўлмади, балки президентни сайловчилар коллегиясининг иродаси ҳал қилди. Президентликка икки номзод: ҳукмрон социал-демократик партия (СДП) вакили Паул Салим Малуфа билан оппозицион кучлар вакили Минас-Жерайс Танкреду ди Алмейда Невис кўрсатилди. Сайлов натижалари бугун-эрта эълон қилинади.

## ДОЛЛАР ОВОЗ БЕРАДИ

Америкада сайланадиган лавозимлар, биринчи навбатда мамлакат президенти лавозими жуда тез қимматлашиб бормоқда. Агар 1956 йилги сайловолди кампаниясида 155 миллион доллар сарфланган бўлса, 1984 йилги сайловлар камида 1,8 миллиард долларга тушди. Айрим маълумотлар бўйича эса бу харажатлар 2 миллиард доллар атрофида баҳоланмоқда.

Р. Рейган номзодини реклама қилишга Оқ уйнинг улкан пропагандистик машинаси фаолиятини йўналтирди. Деярли барча оммавий ахборот воситалари шу иш билан шуғулланди. Ассошиэйтед Пресс агентлиги таъкидлаганидек, «йил давомида сайловчиларни нутқлар, брошюралар, телевизион ва радио рекламалари билан кўмиб ташлашди». Ҳозирги президентни қўллаб-қувватлаш учун корпорациялар ва ўнг доиралар маблағларни аямадилар.

Барибир АҚШ президенти бутун Америка халқи овоз берган раҳбар ҳисобланмайди. У сайловчиларнинг атиги 29 проценти иштирокидагина қайта сайланди. Овоз бериш ҳуқуқи бўлган ҳар 174 американлик эркак ва аёлдан 50 нафари овоз беришга бормади. Улар сиёсатдан шу қадар ҳафсалалари пир бўлган эди.

